Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

● № 152 (10.148). ● 1991 йил 8 август ● пайшанба ● Баҳоси 8 тийин.

*

● Ҳар бир кунни ғанимат билган Пискент районидаги Тельман номли жамоа хўжалигининг Қобул Абдувалиев бошлиқ бригада пахтакорлари далада иш суръатини пасайтирмасдан меҳнат қилмоқдалар. СУРАТЛАРДА: илғор механизатор Тўлаган Аҳмедов; ғўза чилпилмоқда.

Суратлар В. ТУРАЕВ.

*

Тажриба ўрганиш учун—АҚШга

Бу — қимматга тушадиган иш, албатта. Бироқ республика ҳукумати бизда бозор муносабатлари соҳасида, жумладан пахтачиликда билимдон мутахассислар бўлиши учун бунга пулни аямасликка қарор қилди. Шундай қилиб, 29 кишидан иборат биринчи гуруҳ бозор нималигини ўз кўзи билан кўриш учун олис сафарга отланди.

Тажрибага жўнашдан аввал қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ташкилотчилари — менежерлар курсида ўн ой таълим олишди. Республика деҳқончилик-саноат мажмуи олий бошқарув мактабининг ректори профессор Р. Т. Турсунов бундай деди:

— Жоржия штати қишлоқ хўжалиги бошқармаси дорилфунунининг дастури асосида ва унинг раҳбарлигида тажриба ўрганилади. Бизни пахтачилик мутахассислари кутиб олишади ва саволларимизга жавоб қайтаришади. Сўнгра йирик пахтачилик фирмаларининг иши билан танишамиз. Тажриба ўрганувчилар эркин бозор хўжалигида пахта толасининг нархини белгилашга бағишланган ахборот семинарида, химиявий ўғитлардан фойдаланишга бағишланган семинарда қатнашадилар. Пахта тозалаш заводларининг ишига, йирик пахта фирмаларидаги ишлаб чиқариш технологиясини ўрганишга катта эътибор берилади.

Дастурда штатнинг миллий қишлоқ хўжалик марказини бориб кўриш, пахта фабрикасининг иши билан танишиш ҳам кўзда тутилган. Хуллас, Қўшма Штатларда пахта етиштириш ва ундан тола олишнинг ҳамма босқичлари ўрганиб чиқилади. Бундан ташқари, тажриба ўрганувчилар маҳсулот сотиш бозори қандай ишлашини, корхоналар ортиқча маҳсулотдан қандай қилиб қутулишларини ҳам билиб оладилар. 10 кун давомида биз билан йирик идоралар ва юқори малакали мутахассислар шуғулланишади. Бу ҳамдўстлик бизнинг менежерларимизга ва бинобарин, Ўзбекистон халқ хўжалигига катта фойда келтиради, деб умид қиламиз.

(ЎзТАГ мухбири).

ФАХРИЙЛАР ЙИҒИЛИШДИ

Инсоният тарихидаги энг оғир ва қонли жанглар бўлиб ўтган Улуғ Ватан уруши тугаганига ҳам қирқ олти йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Халқимиз бошига тушган мислсиз кулфатлар миллионлаб кишилар тақдирида ўчмас из қолдирди, улар тақдирини жипслаштирди. Биргина вилоятимиздан қанчадан-қанча фидойилар жанггоҳларда мангуга қолиб кетди ёки бедарак йўқолди. Уларнинг номларини аниқлаш, кўрсатган жасоратларига таъзим бажо қилиб, келажак авлодларга етказиш, уларнинг фарзандлари ва урушдан омон қайтганлар учун муқаддас ва шарафли вазифадир, токи ҳеч ким ва ҳеч нарса, ҳеч қачон унутилмасин. Шу мақсадда вилоят «Хотира китоби»ни яратишга киришилган эди.

Куни кеча бўлиб ўтган вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши раёсатининг кенгайтирилган йиғилишида шу масала муҳокама қилинди. Вилоят ҳарбий комиссариати ходими, майор В. Измаилов ҳамда «Прометей» қидирув гуруҳининг раҳбари З. Эшмирзаевалар ахбороти тингланди. Муҳокамалар чоғида кўпгина танқидий фикрлар билдирилди. Вилоятда «Хотира китоби»ни яратиш учун қилинаётган ишлар жуда суст бораётгани, кўпгина район ҳарбий комиссариатидаги масъул шахслар етарлича жонбозлик кўрсатишмаётгани, ҳалок бўлганлар ва бедарак йўқолганлар рўйхатини топшириш кечиктириб юборилаётгани таъкидлаб ўтилди. Ишни жонлантириш учун тегишли қарор қабул қилинди.

Маблағ масаласи долзарб бўлиб турган ҳозирги пайтда уруш ва меҳнат фахрийлари учун турли хил ҳунармандчилик, деҳқончилик кооперативларини, тиқувчилик цехларини бунёд этиш жуда муҳим. Раёсат йиғилишида бу масала юзасидан уруш ва меҳнат фахрийлари кооперациялари ва кичик корхоналари вилоят бирлашмасининг раиси С. Ҳ. Воҳидов ахбороти тингланди.

Сўнгра уруш ва меҳнат фахрийлари вилоят комитети конференциясига тайёргарлик ишлари кўриб чиқилди ҳамда конференцияни 13 сентябрда ўтказишга қарор қилинди.

Йиғилишда вилоят ижроия комитети раисининг муовини Ҳ. Ҳ. Ҳамидов иштирок этди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

ВИЛОЯТ ижроия қўмитасида бўлиб ўтган бу галги йиғилишда шаҳар ва район режа комиссияларининг раҳбарлари, ташкилотлар, муассасалар вилоят бошқармаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Улар бевосита корхоналар, ташкилотларнинг дастурларидаги асосий маҳсулот турларининг ишлаб чиқариш кўрсаткичларини, давлат буюртмаларининг йўналишларини ва ана шу кўрсаткичлардан 1992 йил жумҳурият иқтисодини барқарорлаштиришда қандай фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида батафсил суҳбатлашиб олдилар.

Бу ҳақда халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, умумиқтисодий, ресурслар, моддий-техник таъминот ва шартномалар комплекси раҳбари А. А. Валиев қисқача сўзлаб берди. У асосий эътиборни бошқа турдаги экинларни қисқартириб озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарурлигига қаратди.

Шунингдек, гўшт ишлаб чиқариш саноат комплексларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, гречиха, қанд лавлаги етиштиришни кўпайтириш, уни қайта ишловчи заводни монтаж қилиш ҳамда яқинда иш бошлаган вилоят товар биржасининг дастлабки муваффақиятлари ва жойларда унинг филиалларини очиш, вилоятдаги корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳақида ҳам сўз юритилди.

ОШКОРАЛИК ВА ДЕПУТАТЛИК ОДОБИ КОМИССИЯСИДА

6 август куни Ўзбекистон ССР халқ депутати Э. Т. Шайхов раислигида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ошкоралик ва депутатлик одоби комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ошкоралик ва депутатлик одоби комиссияси тўғрисидаги Низом лойиҳаси муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Ҳужжатда ушбу комиссия республика аҳолисини Олий Кенгаш, унинг раёсати, комитетлари, комиссиялари ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари фаолияти тўғрисида хабардор қилиш чоғида кенг ошкораликни таъминлаш, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун лойиҳаларини тайёрлаш чоғида ҳар томонлама ёндашувни, «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунини бузиш ҳолларини ҳамда халқ депутатининг шахсий ҳулқ-атворига тааллуқли масалаларни холисона ва тезда кўриб чиқишни таъминлаш учун тузилиши таъкидланади.

Ошкоралик ва депутатлик одоби комиссияси Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг қайси миллатга мансублигидан, қандай иш билан шуғулланишидан қатъи назар уларнинг ҳуқуқларини камситиш ҳодисаларини, танқид учун таъқиб этиш, халқ депутатларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш билан боғлиқ ҳар қандай уринишларни ҳам кўриб чиқади, халқ депутатларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилади.

Бу комиссиянинг ташкил этилиши ва фаолияти Ўзбекистон ССР Конституцияси, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг иш тартиби, Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун ҳужжатлари ва ушбу низом асосида амалга оширилади. Комиссия мажлисида низом лойиҳаси маъқулланди ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсати кўриб чиқиши учун тақдим этилди.

Депутатлар эътиборига ҳавола этилган депутатлик одоби қоидалари лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Ўзбекистон ССР халқ депутати ўзини ҳам, сайловчиларни ҳам, Ўзбекистон ССР ҳукумати ва Президентини ҳам обрўсизлантирадиган шошма-шошарлик билан қилинадиган баёнотлардан ва ҳунук хатти-ҳаракатлардан тийилиши лозимлиги таъкидланади. Депутатлик одоби қоидалари лойиҳасининг тўртинчи бандида шу ҳақда гап боради.

Комиссия мажлисида бу лойиҳа маъқулланди ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг раёсати кўриб чиқиши учун тақдим этилди.

Мажлисда «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Н. С. Саъдуллаевнинг таҳририятлар фаолиятини яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги ахбороти тингланди ва маълумот учун қабул қилинди. Бу масалалар кўриб чиқиш учун Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсатига киритилди.

П. НИЩОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

НАРХ-НАВО: ҚАЕРДА ҚАНДАЙ?

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА СССРНИНГ АЙРИМ ШАҲАРЛАРИ БОЗОРЛАРИДА 1991 ЙИЛ 1 АВГУСТДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ АСОСИЙ ТУРЛАРИНИНГ ЎРТАЧА БОЗОР НАРХЛАРИ

(бир килограмми сўм ва тийин ҳисобида)

шаҳарлар номи	картошка	пиёз	сабзи	помидор	бодринг	карам	олма	узум	қовун	тарвуз	мол гўшти	қўй гўшти
Нукус	1—35	1—25	0—65	0—45	1—35	1—75	1—00	4—50	0—90	0—90	10—00	—
Бухоро	1—75	1—25	1—25	0—35	1—25	—	1—25	3—25	1—25	0—90	12—00	13—00
Қарши	1—40	1—10	1—15	0—40	1—50	0—80	1—50	2—25	0—55	0—50	—	—
Самарқанд	1—25	1—15	0—90	0—55	2—25	0—60	2—50	5—50	1—00	0—90	17—00	20—00
Фарғона	1—75	1—10	1—40	0—95	2—75	1—15	3—25	4—50	2—25	1—25	16—00	22—00
Тошкент	1—50	1—25	1—25	1—00	2—00	1—25	4—50	3—50	1—50	1—00	15—50	21—00
Душанбе	2—00	1—70	1—70	1—50	2—50	0—80	3—50	4—00	1—50	1—00	15—00	17—00
Олмаота	1—75	2—50	4—00	2—00	4—25	3—50	8—00	—	3—50	2—00	17—00	16—00
Ашхобод	2—75	3—00	5—00	1—75	3—00	1—75	3—50	3—50	1—00	0—75	—	—
Киев	1—75	3—50	0—80	3—50	2—75	1—25	3—50	—	5—00	2—50	15—00	—
Кишинев	3—00	2—50	2—00	3—00	3—00	2—60	2—00	—	5—00	2—00	18—00	—
Тбилиси	3—00	4—50	4—00	4—50	5—00	3—25	5—00	—	5—50	2—50	25—00	24—00
Куйбишев	3—50	2—75	2—00	3—50	3—50	2—50	4—50	20—00	3—25	2—50	19—00	19—00
Иркутск	4—50	5—00	4—00	8—50	4—50	5—00	12—50	19—00	10—00	5—00	19—00	—
Москва*	2—50	5—00	4—00	8—00	10—00	1—50	5—00	25—00	10—00	3—50	30—00	—

*) 1991 йил 6 августдаги маълумот

СССР Вазирлар Маҳкамасида

МУСОДАРА ҚИЛИНГАН, ЭГАСИЗ МОЛ-МУЛКНИ, МЕРОС ҚИЛИБ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА БИНОАН ДАВЛАТГА ЎТГАН МОЛ-МУЛКНИ ВА ДАФИНАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ, БАҲОЛАШ ҲАМДА СОТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

СССР Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

Мусодара қилинган, эгасиз мол-мулкни, мерос қилиб олиш ҳуқуқига биноан давлатга ўтган мол-мулкни ва дафиналарни ҳисобга олиш, баҳолаш ҳамда сотиш тартиби тўғрисида СССР Вазирлар Кенгашининг 1984 йил 29 июндаги 683-сон қарори (СССР қарорлари мажмуи, 1984 йил 24-сон, 127-модда, 1990 йил, 28-сон, 121-модда) билан тасдиқланган низомга қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

5-банднинг «а» ва «г» кичик бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) давлат чакана нархлари белгиланган товар-моддий бойликлари (импорт моллардан ташқари), — эскирганини ҳисобга олиб, шу нархлар бўйича»;

г) давлат нархлари белгиланмаган товар-моддий бойликлар, шунингдек импорт моллар — текширувчи мутахассислар белгилаган нархлар бўйича»;

6-банднинг «и» кичик банди қуйидагича мазмундаги абзац билан тўлдирилсин:

«Аҳолининг талаби катта бўлган импорт моллар кимошди савдоси тартибида сотиш учун юборилиши ҳам мумкин. Шу молларни кимошди савдосида сотиш учун топшириш тўғрисидаги қарор ушбу низомнинг 4-бандига мувофиқ тузилган комиссия томонидан қабул қилинади».

● «ОБУНА - 92» ●

Тошкент ҳақиқати

ҚАДРДОН РЎЗНОМАНГИЗГА ЁЗИЛИШНИ УНУТМАНГ!

1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна мавсуми бошланди. Бошқа нашрлар қатори «Тошкент ҳақиқати» рўзномасига ҳам 1 августдан бошлаб барча алоқа бўлимларида обуна қабул қилинмоқда.

«Тошкент ҳақиқати»нинг бир йиллик обуна баҳоси —25 сўм 68 тийин, ярим йилга 12 сўм 84 тийин, уч ойга эса 6 сўм 42 тийин.

Ҳурматли муштарийлар! Фурсат ганиматлигида ўз рўзномангиз — «Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишга шошилинг!

Ф. СП—1

ССҲИ Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

Тошкент ҳақиқати (нашр номи) 64672 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
	й	и	л	л	и	к					

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Қимга

(насаби; исми ва отаси исминнинг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64672

п.в. жойи (нашр кўрсаткичи)

Тошкент ҳақиқати

(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш баҳоси 25 сўм 68 т. обуна сони

баҳоси сўм

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
	й	и	л	л	и	к					

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исминнинг бош ҳарфлари)

ТАРБИЯГА БАРАВАР КИРИШАЙЛИК

• Турмуш чорраҳаларида •

Ёши улуғларимиз илгари қулф-калит, оғирлиги неча юз килограмм келадиган темир дарвозалар бўлмаган, дейишса биз ёшларга ғалати туюлади. Бозорларда ҳам тушган дасмоя пулни бўйра тагига қўйиб, торози палласини тўнкариб, мачитга ошиқишган. Ўшанда авлодларимиз имонли бўлганлигига ишонмасдан илож йўқ. Ким билади, эҳтимол ўғрилар ҳам бўлгандир. Лекин «ўғри» деган тамға ниҳоятда иснодли, ундан ҳамма ҳазар қилган. Бозор-ўчар, кўча-кўйда қўлга тушиб қолса борми, сазойи қилиб жазолашган.

Иллатнинг катта-кичиги бўлмайди. У худди пасотли ярага ўхшаб аввал жуда кичик бўлади, сўнг газак оладики, унинг на олдини олиш ва на пасотини сиқиб чиқариш имкони бўлмай қолади. Иқтисодиёт оғирлашган сари бундай қинғир кимсалар кўпайса кўпаймоқдаки, сира камаймаяпти.

Юқоридаги иллатларни чуқурроқ таҳлил қиларканмиз шундай хулоса чиқариш мумкин: болаларнинг эҳтиёжлари кундан-кунга ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан ортиб бормоқда. Ёшларга синчиклаб назар ташласак кийинишларидан ҳайратланмай илож йўқ. Кўпчилик ёшлар кийим-кечакка ортиқ зеб беришяпти. Бунинг устига уларда манманлик, кибр-ҳаво баланд, ўзларига ортиқча бино қўйишади. Ҳатто бундайроқ кийинганларни менсимай қўйишмоқда. Хусусан бундай феъл-атвор олий ўқув юртлари, бошқа ўқув муассасаларидаги ёшларда яққол кўриниб туради. Табиийки, башанг кийиниш, зеби-зийнат учун катта пул керак, албатта. Демак, қандай бўлмасин, ана шу пулни «ишлаш» керак. Бунинг энг осон йўлларидан бири — чайқовчилик билан шуғулланиш бўлса, бошқа бир тубанроқ йўли ўғриликдир. Биз бу билан ҳамма ёшлар шу йўлни танлашяпти, демоқчи эмасмиз, мутлақо! Лекин бундайлар оз эмас. Табиийки, текин пул топишга ўрганиб қолганлар бу «касб»ни дарҳол тарк этолмайдиган. Шу тариқа жамиятимизда хунук иллатлар кун сайин ортиб, иродаси бўшроқ, ўзини идора этолмайдиган ёшларни ўз домига тортмоқда.

Жамият, иқтисодий аҳвол қандай бўлишидан қатъий назар, бола тарбиясига бош жавобгар ота-онадир. Буни истаймизми, истамаймизми инкор қилиб бўлмайди. Баъзи ота-оналар билан суҳбатлашсанг, бор айбни ўзгаларга, қўни-қўшнининг боласига тўнкаб, ўзларини оппоқ кўрсатишади. Яхши тарбияли боладан ҳамма хурсанд, лекин унинг роҳатини ота-онаси кўради. Шундай бўлгач, боланинг қадами ўзгардими, ота-она уни дарҳол тўғри йўлга солиши керак.

— Ёлғиз ўғилни тарбиялаш қийин бўлар экан, — деб қолди бир куни хомушлик билан бир ота. — Худодан тилаб олган яккаю-ягона ўғлимиз 7-синфданоқ чека бошлади. Кўпинча уйда уч-тўрт соатлаб йўқ бўлиб қолади. Нима қилсам бўлар экан, муаллим?

Мен бу оилани жуда яхши биламан. Ҳалол, меҳнаткаш кишилар. Уларга шундай маслаҳат бердим: роса 10 кун болангизни орқаворотдан кузатамиз. Келинойим ҳар куни эринмасдан унинг чўнтакларини текширсинлар. Эрталаб нима бор эди-ю кечқурун нима пайдо бўлди. Сигарет, гугурт чиқса, тегманглар, фақат ёзиб қўйинглар. Буларни унинг ўзи билмасин. Кўчага чиқса, секингина орқасидан кузатинглар. Фақат эриниш керакмас.

10 кун ҳам ўтди. Дафтарда шундай ёзувлар пайдо бўлди-ки, ота-она боласининг тарбияси бузила бошлаганини яққол сезишди. Ўғил ҳатто уйидаги соатни ҳам сотиб юборибди. Боланинг амакиси, тоғаси, холаларини чақиришди. Мен ҳам чиқдим. Аввалдан келишилган «тарбиявий кенгаш» шундай якунландики, бола барча айбларини бўйнига олди.

Бу воқеага 5 йил бўлибди. Куни кеча боланинг отасини учратиб қолдим.

— Хўп вақтида қайириб олдик-да, ўғлимни. Мана ҳозир билим юртини тамомлаб, бинойидек ишлаяпти. Рўзғорнинг ҳам бир четини кўтаряпти, барака топгур — деди мамнунлик билан.

Мен юқоридаги воқеани тўқимадим. Шундай оилавий тарбия усуллари борлигини эслатиб ўтдим, холос. Лекин афсуски кўплаб яхши одатларимиз каби бу хилдаги тарбиялашлар ҳам унут бўляпти, чоғи.

Мен мактабда ўқиб юрган вақтимда табиатан содда амакимиз бувамдан хабар олгани тез-тез келиб турардилар. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, бизлардан «ўқишларинг қанақа?», «нечанчи синфдасан», «нечта «5» баҳоинг бор», «кундалик дафтарингни кўрсат» деб сўрардилар. Бизлар ҳам амаким келгунича яхши баҳолар олиб қўйишга астойдил ҳаракат қилардик. Кейин билсак, амакимиз кўни-қўшни болаларини ҳам «тергаб» юрар эканлар. Қани энди ҳаммамиз ҳам ён-атрофимиздаги болаларга ўз таъсиримизни ўтказсак. Эҳтимол, миллатимиз, динимизга ёт бўлган одатлар, кибр-ҳаво, ножўя ҳатти-ҳаракатлар бўлмасмиди. Ҳар холда бола тарбияси бутун жамиятнинг иши. Тарбиясиз болаларнинг пайдо бўлишига кўпчилик айбдор. Шунинг учун ҳам бу соҳада барча баробар жон куйдириши керак.

Бахтиёр КАРИМОВ,
ўқитувчи.

Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводида бўлсангиз кран машиннистлари ҳақида фақат илиқ сўзларни эшитасиз. Корхонада бу касбни узоқ йиллар давомида улуғлаб келаётган ишчилар сафида Антонина Майер ҳам бор. Ушбу суратда моҳир кран машинистини шогирдлари Абдукарим Мадиёров ва Бахтиёр Ўмаровлар билан суҳбатлашаётган вақтда кўриб турибсиз. Сураткаш М. ҚОРАБЕКОВ.

КУНИГА 40 МИНГ ҒИШТ

ОҚҚУРҒОН шўро хўжалиги ғишт заводи ишчи-хизматчилари қурувчиларнинг анъанавий касб байрамларини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олишга интилмоқдалар. Улар аҳолининг ғиштга бўлган эҳтиёжини қондириш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Фидокорона меҳнатлари эвазига кунига 40—41 минг дона ғишт тайёрланмоқда.

— Бу йил,— дейди завод директори Асилбек Мусабеков,— 2,5 миллион дона ғишт етказиб бериш мажбуриятини олганмиз. Ҳозиргача 1,5 миллион донадан кўпроқ ғишт сотдик. Яна 1 миллион дона ғишт тайёрлаш учун имкониятларимиз етади.

Шундан 500 минг донасини қиш фаслида пишиқ ғиштга айлантирамиз. Ғишт тайёрлашда ишчилардан Я. Муродов, И. Содиқов, В. Волков, И. Ҳусанов, М. Аимбетов, Р. Абиев, А. Устькин, А. Ҳайитбоевлар жонбозлик кўрсатишмоқда.

О. ТУРАҚУЛОВ,
Оққўрғон ноҳияси.

МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИ—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Мисқоли ҳам нобуд бўлмасин

ВИЛОЯТИМИЗДА металл парчаларини тўплаш ва топширишнинг аҳволи қандай? Бу соҳадаги ютуқлар ва камчиликлар нималардан иборат? Мухбиримизнинг «Вторчермет»нинг Тошкент вилояти бўйича катта вакили Абдуваҳоб НОРБОЕВ билан суҳбати шундай муаммолар ҳақида бўлди.

— Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводининг нуқул иккиламчи хомашё асосида ишлаши ҳаммага маълум,— деди А. Норбоев.— Ўрта Осиёда ягона бўлган корхона шунга ихтисослашган. Регионимизда тўпланган металл парчаларининг анчагина қисми бу ерга келтирилиб, қайта ишланади. Корхонанинг бир маромда ишлаши, барча буюртмаларни вақтида бажариши шунга боғлиқ. Мижозлар эса асосан шу ердаги жумҳуриятларда жойлашган саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларидир.

Заводни металл хомашёси билан таъминлашга вилоятимиз ва жумҳурият пойтахти ҳам улуш қўшмоқда. Вилоятимиз бу муҳим топшириқни шараф билан уддалаяпти. Уни бажариш кўрсаткичлари умуман ёмон эмас. Шу йилнинг биринчи ярмида белгиланган режа ортиғи билан адо этилди. Қўшимча 1,2 фоиз миқдорида ёки 1248 тонна металл парчалари тўпланди ва металлургия заводи жамоаси ихтиёрига етказиб берилди. Бироқ Тошкент шаҳри ҳақида бундай деолмаймиз. Унда жойлашган кўпгина саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, муассасалар металл парчаларини топшириш режаларини барбод қилишяпти. Шу сабабли ҳам ўтган олти ойда давлатдан анча миқдорда қарз бўлиб қолди. Топшириқнинг бажарилиши бор йўғи 93,5 фоизни ташкил этди. Етказиб берилмаган иккиламчи хом ашё миқдори беш минг уч юз тоннадан ҳам ошиқроқ бўлди. Шу миқдордаги металл парчалари билан бир неча кун ишлаш мумкин эканлигини ҳисобга олсак у каттагина ҳажмдалиги янада яққол кўринади.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, вилоятимизда аксарият шаҳарлар ва ноҳияларда металл парчаларини йиғиш ва ўз вақтида давлатга топширишга катта эътибор бериляпти. Шунинг учун ҳам уларда бундай иккиламчи хомашёни тайёрлаш режалари тўла ва ошириб адо этиляпти.

Айниқса, Ангрен, Оҳангарон, Бекобод шаҳарлари, Ўрта Чирчиқ, Оҳангарон, Бўка, Калинин ноҳияларида бу муҳим иш яхши ташкил этилган. Уларда мутасадди ташкилотлар кенг жамоатчиликка суяниб ишлаяптилар, жойларда металл парчаларини йиғиш ва топшириш қандай бораётганлигини вақти-вақти билан назорат қиладилар. Аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этишга ёрдам берадилар. Айни вақтда иккиламчи хомашёларни тўплашда намуна бўлаётган жамоалар ва айрим фуқароларни рағбатлантиришни ҳам эсдан чиқармайдилар.

Бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик қизғин олиб борилаётган, пул қадрсизланаётган ҳозирги вақтда топширилган металл парчаларининг ҳар бир тоннаси учун тўланадиган пул миқдорининг оширилганлиги ҳам бу ишни жонланишга олиб келганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Кўп жойларда металл парчаларини топшириш тезлашди.

Бу соҳада ангренликлар фаолияти диққатга сазовордир. Шаҳардаги кўпчилик жамоалар бундай хомашёни режадагидан анча кўп тайёрламоқдалар. Шаҳар бўйича қўшимча топширилган металл парчалари миқдори бир минг йигирма икки тоннага етди. Оҳангарон шаҳри меҳнаткашларининг режадан ташқари етказиб берган хом ашёлари 630 тоннадан ҳам ошиқроқ бўлди. Бекобод шаҳрида қўшимча тайёрланган металл парчалари 546 тонналик тарозини босган бўлса, Янгийўлда ўн бир тоннадан сал ошди.

Ноҳиялар орасида металл парчаларини тўплаб топширишда Оҳангарон, Бўка, Калинин, Пискент ноҳиялари олдинда боришяпти. Биргина Оҳангарон ноҳиясида режадагидан сал кам юз тонна кўп шундай қимматли хомашё жамланиб, буюртмачига юборилди.

Бироқ вилоятимизнинг қатор шаҳарлари ва районларида бу ишга лозим даражада аҳамият билан қаралмаяпти. Ваҳоланки заводда тайёрлаш эндигина ўзлаштирилган ва фақат жумҳуриятимиз эҳтиёжлари учун мўлжалланган газ-сув қувурларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳам шунга боғлиқдир. Бу халқимиз, айниқса қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражасини оширишга қаратилган ишлар дастурида назарда тутилган. Шундай қувурлар қанчалик кўп ишлаб чиқарилса қишлоқларни газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлаш шунчалик яхшиланишини ҳеч вақт унутмаслик керак.

Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарларида, Бўстонлиқ, Оққўрғон, Оржоникидзе, Янгийўл, Ғалаба ноҳияларида бу ишнинг хайрли эканлигини яхши тушунмаётганга, тушунишса ҳам бефарқ ёндошаётганга ўхшайди. Уларда металл парчаларини тўплаш ва топшириш режалари уддаланмаётганлигини бошқа сабаб билан изоҳлаш мумкин эмас. Чунки бу шаҳарлар ва ноҳияларда топшириқни бажариш учун барча имкониятлар бор. Улардаги аксарият корхоналар ва ташкилотлар ҳудудида атроф-муҳитни ифлослантириб ётган чиқинди металл уюмлари тўлиб-тошиб ётибди.

Масалан, Олмалиқ шаҳрини олиб кўрайлик. Унинг бағрида ўнлаб катта-кичик корхоналар, қурилиш, транспорт ташкилотлари бор. Уларда рўйхатдан чиқарилган нима кўп, дастгоҳлар, конструкциялар, агрегатларнинг айрим узел ва қисмлари кўп. Бундай чиқиндиларни йиғиштириб олишга шошилинмайди, унга иккинчи-учинчи даражали иш деб қаралади. Шу сабабли ҳам ўтган олти ойда шаҳарда режадагига нисбатан 1387 тонна хомашё кам тайёрланди. Чирчиқ шаҳри ҳам бундай «кўрсаткич» бўйича Олмалиқдан қолишмаяпти. Ундаги корхона-ташкилотларнинг жами қарзи деярли 1300 тоннага етди.

Бўстонлиқ ноҳиясида тайёрланган бундай хомашё ярим йиллик режасида назарда тутилганидан 678 тонна кам бўлса, Оққўрғонда у 583 тоннага етди, Ғалаба ноҳиясида 385 тоннани ташкил этди. Тошкент ноҳияси бу соҳа бўйича қолоқликда ҳаммадан «ўзиб» кетди. Ноҳия металлурглардан бир ярим минг тоннага яқин хомашё қарз бўлиб қолди. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бу рақамлар қатор шаҳарлар ва ноҳияларда металл парчаларини тайёрлаш ўлда-жўлдалигидан далолат беради. Таркиб топган бундай аҳволнинг давом этишига йўл қўймаслик, уни яхшилаш, металл парчаларини тўплаш ва давлатга топшириш режалари ҳар ойда сўзсиз бажарилишини таъминлаш лозим. Шаҳар ва ноҳиялардаги барча хўжалик органлари хомашё тайёрлашнинг борили ва ўз вақтида жўнатилиши устидан қатъий назорат ўрнатишлари, зарур жойда ёрдамларини аямасликлари керак. Буни иккиламчи қора металлар идораси ходимларининг илтимоси, деб тушунишларини истаймиз. Шунга эришайликки, бу қимматли хомашёнинг мисқоли ҳам нобуд бўлмасин, қайта ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинсин.

М. МИРҲАМИДОВ.

Юзлаб минг сўмлик битим

● ОЛМАЛИҚ товар—хом ашё биржаси бу ерда ўтказган савдода юзлаб минг сўмлик битим тузилди. Унда тақчил хом ашё ва материаллар, ушбу саноат маркази, шунингдек Бекобод ва Оҳангарон меҳнат жамоалари ишлаб чиқарган маҳсулотлар савдога қўйилди. Олмалиқдаги йигирмага яқин саноат корхонаси биржа муассислари бўлди.

(ЎзТАГ).

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Узбекистон ССР халқ маорифи вазирлиги

БЕКОБОД ШАҲАР 20-ЎРТА МАХСУС ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1991—1992 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТИКУВЧИЛИК.

Ўқиш муддати — 3 йил

(Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади).

ЎРТА МАКТАБНИ БИТИРГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

САРТАРОШЛИК (ўқиш рус тилида). **Ўқиш муддати — 1 йил.**

РАДИОТЕЛЕМЕХАНИК (ўқиш рус тилида). **Ўқиш муддати — 2 йил.**

ТИКУВЧИЛИК (ўқиш ўзбек ва рус тилида). **Ўқиш муддати — 1 йил.**

ТИКУВЧИЛИК (ўқиш ўзбек ва рус тилида). **Ўқиш муддати — 2 йил.**

Билим юртидаги ўқиш даври — умумий меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртида ўқиш даврида ўқувчилар ҳар куни 3 марта иссиқ овқат, кийим-кечак билан таъминланадилар.

9-синфни тугатганлар учун бепул овқат ва 40 сўм стипендия, бепул кийим-кечак берилади.

Ўрта маълумотли ўқувчилар ҳар ойда 80 сўм стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаган иш ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

Билим юртини 9-синф маълумоти билан тугатганларга ўрта маълумот ҳақида ва танлаган касби бўйича ҳунар — малакаси кўрсатилган диплом берилади.

Ўқув юртини аъло баҳоларга тугатган ўқувчилар, олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилинадилар.

Бошқа шаҳарлардан келган йигит ва қизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ҲУЖЖАТЛАР 15 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ДАРСЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР: **Туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, директор номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, яшаш жойидан справка, тиббий маълумотнома (Ф 086), шаҳар ёки район маиший хизмат кўрсатиш ташкилоти томонидан берилган йўлланма, 6 дона 3×4 см ҳажмдаги сурат.**

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Бекобод шаҳри, Касалхона шаҳарчаси, УТБЮ—20. (3, 5, 6, 7, 8, 9, 10-автобуслар, 1, 1а, 5-маршрутли таксиларнинг «Шаҳар касалхонаси» ёки «МШК» бекати).

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели албатта бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби; исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ—Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

«МЕҲР-ШАФҚАТ» МАРАФОНИ КУНДАЛИГИ

ҲИСОБОТ БЕРИШДИ

Аввал хабар қилганимиздек, шу йил 14 сентябрь куни Чирчиқ шаҳрида вилоят «Меҳр-шафқат» марафонини ўтказишга катта ҳозирлик кўриляпти.

Куни кеча вилоят ижроия қўмитаси раисининг муовини Ҳ. Ҳамидов бошчилигида тадбирни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита аъзоларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда марафонни кўнгилдагидек уюштириш юзасидан кўрилаётган тайёргарлик бўйича масъул ходимларнинг ҳисоботи тингланди.

Вилоят китоб савдоси идораси директори О. Ортиқов, вилоят умумий овқатланиш бошқармаси бошлиғи И. Икромов ҳамда В. И. Ленин номли болалар жамғармаси вилоят бўлимининг раиси М. Солиҳовалар мазкур тадбирни ўтказиш борасида шу кунгача амалга оширган ишлари ҳақида маълумот беришди.

Ташкилий қўмита аъзоларининг навбатдаги йиғилиши 12 август куни соат 16 да Чирчиқ шаҳридаги «Электрохимпром» саноат бирлашмасининг Маданият саройида бўлади.

ДАВОЛАНИНГ, ҲОРДИҚ ЧИҚАРИНГ ВА ТАЪЛИМ ОЛИНГ!

ЧИНОЗ НОҲИЯСИДАГИ А. ОРТИҚОВ НОМИДАГИ ВИЛОЯТ САНАТОРИЯ-МАКТАБ ИНТЕРНАТИ УМУМИЙ ЎРТА МАКТАБ ҲАЖМИДА ТАЪЛИМ БЕРИШ УЧУН I—IX СИНФЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Санатория мактаб-интернатида ўқувчилар таълим олиш билан бирга даволанадилар, кунига 3,5—4 сўм миқдорида беш маҳал иссиқ овқат ҳамда (баъзи ўқувчиларга) бепул кийим-кечак билан таъминланадилар.

Санатория мактаб-интернатининг ҳудуди 65 гектарлик майдондан иборат. Унинг сув бўйида жойлашган соясалқин мевали дарахтзори, ёзги ва қишки спорт зали, 400 ўринли ётоқхонаси, соғломлаштириш муассасаси, кундалик даволанадиган 15 ўринли тиббий хизмат муассасаси, 200 ўринли ошхона, ЭҲМ хонаси ҳамда ёрдамчи хўжалиги бор. Ўқувчилар дам олиш чоғларида ўйин автоматларида турли хил ўйинларни ўйнаб ҳордиқ олишади.

Улар ёзги ва қишки таътил кунларида жумҳуриятимиз ва Ватанимизнинг турли жойларига интернат ходимлари билан биргаликда дам олиш учун ва саёҳатга юбориладилар.

Санатория мактаб-интернати сил касалининг кичик ва сўнаётган формасига чалинган болалар ва ўсмирларни даволашга ва таълим беришга мўлжалланган (7 ёшдан бошлаб).

МАКТАБ-ИНТЕРНАТИГА ЖОЙЛАШИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ЗАРУР:

вилоят, шаҳар ва ноҳия сил касалликлари диспансерларидан юқоридаги дард билан касалланганлиги ҳақида ёки оила аъзоларидан бири (ота-онаси, буви ва буваси ва ҳоказо) **шу дардга алоқадор эканлиги ҳақида ҳужжат ва йўлланма, шаҳар ва ноҳия халқ маорифи бўлимларидан, мактабдан** (агар ўқиётган бўлса) **йўлланма ва бошқа ҳужжатлар, мактаб-интернат директори номига ариза.**

ИЛОВА: санатория мактаб-интернати кўп болали оилаларнинг юқоридаги дардга чалинмаган болаларини ҳам қабул қилади, уларга барча имкониятларни яратиб беради.

Шунингдек, мактаб-интернатида муқим ишлаш учун муассаса қуйидаги касб эгаларини

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

— Рус синфларида дарс берувчи кимё ва биология, меҳнат таълими бўйича малакали ўқитувчилар;
— Болалар шифокори;
— Кашшофлар етакчиси;
— Сантехниклар;
— Фаррошлар;
— Газ қозонхонасида ишлаш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақида гувоҳномаси бор олов ёқувчилар;
— Кутубхоначи;
— «Д» категорияли ҳайдовчи.

Мактаб-интернатдаги барча ишчиларнинг иш ҳақига 20 фоиз қўшимча ҳақ тўланади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент вилояти, Чиноз ноҳияси, Олмазор қўрғони, санатория мактаб-интернати, телефон 36-436 (катта Ўзбек трактининг «Октябрь 40 йиллиги» жамоа хўжалиги бекати).

• *Долзарб мавзуда суҳбат*

БОШ МАҚСАД — ХАЛҚ МАНФААТИ

ОДАТДА ҳуқуқ-тартибот органлари ҳақида гап борганда негадир фақат жиноятчилик, унинг миқдори, жазоланганлар сони ва айбдорлар тўғрисидаги маълумотлар билан танишишга ўрганиб қолганмиз. Аслида ундай эмас. Ҳуқуқ-тартибот органларининг иш кўлами ҳам анчайин кенг ва мураккабдир. Масалан, вилоят прокуратураси ходимлари бугунги иқтисодий сиёсий вазият, аҳоли турмуш даражасининг аҳволи, таъминотни яхшилашга хизмат қиладиган чора-тадбирлар, ижтимоий адолатни қарор топтириш каби муаммоларни ҳал этишда бевосита иштирок этмоқдалар, зарур ёрдам кўрсатмоқдалар.

Вилоят прокурори Абдурашид Муталович Маннонов билан бўлган суҳбат мавзусини одатдагидан бироз ўзгартиришга, яъни жиноятчилик тўғрисида эмас, прокуратуранинг ҳозирги мураккаб иқтисодий-ижтимоий шароитда ишни қандай ташкил этаётганлиги, нималарга эътиборни кучайтираётганлиги, белгиланган вазифаларнинг қандай бажарилаётганлигига қаратдик. Қуйида ана шу суҳбатни эътиборингизга хавола қиляпмиз.

— Абдурашид ака, ҳозирги кунда ҳамма жойда гапирилаётган ва ёзилаётган ижтимоий-иқтисодий аҳвол, аҳоли турмуш даражасининг бирмунча пасайганлиги ва бошқарувнинг маълум даражада издан чиққанлиги қонунчилик ва жиноятчилик ҳолатига қанчалик таъсир кўрсатаётганлиги кўпчиликни қизиқтирмоқда. Гапни ана шундан бошласак.

— Саволингиз ўринли бўлди. Чунки ҳуқуқ-тартибот органлари айримлар ўйлаганидек, фақатгина жиноят содир этган шахс устидан тергов олиб бориш, уни жазолаш ёки шунга ўхшаш ишлар билангина шуғулланмайди. Аксинча, сиз айтганингиздек бугунги мураккаб шароитда ҳам вилоят прокуратура органлари бошқа ҳуқуқ-тартибот, назорат органлари, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари билан ҳамкорликда социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, хўжасизликка барҳам бериш, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, социалистик мулкни сақлаш, жойлардаги мансабдор шахслар, раҳбарларнинг корхона ва муассасалардаги аҳвол учун жавобгарлик масъулиятини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. СССР Олий Кенгаши ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қонун чиқариш фаолияти кучайганлигини инобатга олиб, янги қабул қилинган қонунларни тарғиб қилишга ҳаракат қилаяпмиз.

Аммо чора-тадбирлар кўришимизга қарамасдан турли қонун бузилишлари, жиноятлар ҳамон кўплаб содир этилмоқда Масалан, прокуратура органлари томонидан ўтган ярим йилда 700 та қонун бузиш ҳолатлари аниқланди. 130 та қонунсиз акт ҳужжатларига эътирознома киритилиб, бекор қилинди. Шўро ва хўжалик ташкилотларига қонунбузарликни келтириб чиқарувчи оқибатларни батараф этиш ҳақида 250 та тақдимнома, 55 та ёзишма юборилди. 134 нафар мансабдор шахс хизмат вазифасини белгиланган тартибда адо этмаётганлиги учун расмий равишда огоҳлантирилди. Прокуратуранинг расмий ҳужжатларига мувофиқ 77 киши интизомий ва маъмурий жавобгарликка, 12 киши эса моддий жавобгарликка тортилди. Етказилган 85 минг сўмлик зарарни қоплаш мақсадида айбдорларга 66 та даъво билдирилди.

— Абдурашид ака, ўтган ярим йилда анчагина ноқонуний ишлар очилибди. У ҳаддан зиёд кўп эмасми! Мумкин бўлса, ана шу қонун бузилиш ҳолатларини қайси тармоқларда кўп йўл қўйилганлиги тўғрисида ҳам тўхталсангиз.

— Албатта, қаерда, ким томонидан, каттами, кичикми қонун бузилишига, суиистеъмолликка йўл қўйилар экан, бу кишида фақат нохуш таассурот қолдиради. Бироқ биласизми, ҳаёт фақатгина прокурор назорати билангина аҳволни тубдан ўзгартириш мураккаб эканлигини кўрсатмоқда. Турғунлик йилларида қарор топган ижтимоий адолатнинг бузилиши ҳамон айрим халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари, ижроия қўмиталари, корхоналар, ташкилотлар, давлат ва жамоа хўжаликларида учраб турипти.

Прокурор назорати вилоят халқ хўжалиги механизми системасида йиллар давомида катта миқдорда камомад, ўғрилик ва маҳсулотларнинг бузилишига йўл қўйиш давом этиб келаётганлигини кўрсатмоқда. Айниқса саноат корхоналарида давлат мулкининг муҳофазаси қонун талабларига жавоб бермайди. 1991 йилнинг 1 январгача бу камомад 6 миллион сўмдан ошиб кетди. Янги Тошкент консерва комбинатида 1 миллион 162 минг сўм, Бўка пахта тозалаш заводида 631 минг сўм, Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» пахта тозалаш заводида 1 миллион 69 минг сўм, Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» пахта заводида қарийб 1,5 миллион сўм камомад борлиги аниқланди.

Қишлоқ хўжалиги тармоғи катта миқдорда ўзлаштиришнинг манбаларидан бўлиб қолмоқда. Бунинг бош сабаби хўжасизлик ва исрофгарчиликдир. Узоққа бормайлик, 1990 йилда вилоятдаги шўро хўжаликларида 160 минг сўмлик камомад ва талон-торож аниқланди. Жамоа хўжаликларида бу 262 минг сўмни ташкил этди.

Ғалаба районидаги Волков номли шўро хўжалиги бригада бошлиғи А. Ойнақулов, ижарачи С. Тошбоев 1445 сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўғирлаганликлари учун Ғалаба район халқ суди томонидан тегишли жазоларини олдилар. Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» шўро хўжалиги ижарачилар бригадаси бошлиғи А. Жамолов ҳам шоли ўғирлагани учун жазоланди. Бўка районида майда ўғриликлар ва бошқа талон-торожликлар учун 22 киши маъмурий жавобгарликка тортилди.

Камомад, ўзлаштириш ва моддий жавобгарликдаги маъсулиятларнинг бузилиши ҳисобига қарздорликка йўл қўйиш савдода ҳам кенг қулоч ёйган. 1990 йилнинг бошида у 7 миллион сўмни ташкил этган бўлса, йил охиригача яна 2 миллион сўмлик маблағни ўзлаштириш, қарийб 1 миллион сўмлик маҳсулотлар бузилганлиги аниқланди. Йил охирига келиб қарздорлик қолдиғи 4,5 миллион сўмга етди.

Вилоят матлубот жамиятлари уюшмасида ҳам 1 миллион сўмлик катта камомад ва ўзлаштириш аниқланди. Албатта, бу пулнинг 1 миллион 904 минг сўми айбдорлардан ундириб олинди. Аммо 1 миллион 250 минг сўми зарар сифатида рўйхатдан чиқарилди. Хўш, бундай аҳволга қандай баҳо бермоқ керак!

Бу ҳам майли. Кейинги пайтда майда ташмачилик деб аталган қонунбузарлик ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Биргина Янгийўл шаҳридаги «Лаззат» кондитер-ишлаб чиқариш бирлашмасида текшириш ўтказилганда 89 киши қўлга тушди. Улар 811 сўмлик маҳсулотларни олиб чиқиб кетишаётган экан. Умуман, текшириш натижасига кўра 250 киши маъмурий жавобгарликка тортилди.

1991 йилнинг биринчи ярмида ўзлаштириш, камомад ва хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш натижасида ўғрилик ва маҳсулотларнинг бузилишига йўл қўйиш давом этиб келаётганлигини кўрсатмоқда. Айниқса саноат корхоналарида давлат мулкининг миннг 410 сўм қайтариб олинди.

Кўряпсизми, рақамлар ниҳоятда ташвишли. Шунинг учун ҳам биз барча ҳуқуқ-тартибот ва назорат органлари билан биргаликда меҳнат жамоалари ва жамоатчиликни ана шундайларга қарши жиддий курашга сафарбар этдик. Жойларда 48 марта текшириш ўтказилди. Буларнинг якунларига мувофиқ чора тадбирлар белгиланди.

Аммо мазкур ташкилотларда илдиз отган хўжасизлик, қонунбузарлик, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги камчиликлар ҳамда бошқа нуқсонларни бартараф этиш учун ҳали кўп иш қилиниши кераклигини ҳам билиб турибмиз.

— Бугунги кунда ишлаб чиқариш суръатининг пасайиб кетаётганлиги, корхона ва хўжаликларда интизомнинг бузилаётганлиги, ўзаро тузилган шартнома мажбуриятларининг бажарилмаётганлиги иқтисодиётни ривожлантиришга, бозорни маҳсулот билан тўлдиришга катта тўсқинлик қилаяпти. Аслида сиз юқорида тилга олган фактларнинг юз беришида ана шуларнинг таъсири ҳам катта эмасмикин. Шу ўринда ишлаб чиқариш билан боғлиқ яна бир муаммо борки, у ҳақда вилоят прокуратураси кенг кўламли иш олиб бораётганидан хабаримиз бор. Бу экология, атроф муҳит муссаффолигини сақлаш масаласи. Ана шулар тўғрисида нима дейсиз!

— Интизом, тартиб бўлмаган жойда ҳеч нарсага эришиб бўлмаслиги ҳаммамизга равшан. Минг афсуски, прокуратура органлари томонидан ўтказилаётган текширишлар бу борада ҳам камчиликларга, қонун бузилишларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда. Бунинг асорати эса анчагина оғир бўлади. Сабаби бу иллатлар фақат бир корхона ёки ташкилотга эмас, у билан алоқада бўлган корхонадаги ишнинг издан чиқишига ҳам олиб келади.

Масалан, саноат, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ишлаб чиқариш суръати пасайиб кетганлигига вилоят бўйича шартномаларга имзо чеккан ҳар саккиз корхонанинг бири маҳсулот етказиб бериш юзасидан мажбуриятини бажармаганлиги сабаб бўлмоқда. СССР ва Ўзбекистон ССР Президентларининг хўжалик алоқаларини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқаришда бузғунчиликка қарши курашни кучайтиришга қаратилган фармонлари асосида назоратни изчил йўлга қўймоқдамиз. Аммо мазкур соҳадаги аҳвол ҳали яхши томонга тўлиқ ўзгарди, дея олмаймиз. Бунинг объектив сабаби ҳам бор. Текширишда вилоят корхоналарининг катта қисми хом ашёнинг етказиб берилмаётганлиги, жиҳозларнинг, эскирганлиги, кадрлар етишмаслиги туфайли зиммаларидаги мажбуриятларни бажара олмаётганликлари маълум бўлди.

Албатта, бу билан барча корхоналар ва хўжаликларни оқламоқчи эмасмиз. Сабаби уларнинг айримларида ҳамон қўшиб ёзиш ва ҳисоботни бузиб кўрсатишга йўл қўйилмоқда. Бунинг сабаби юқоридаги ва назорат органларининг талабчанликни бўшаштириб юборганликларидир. Вилоят прокуратурасининг ярим йиллик ҳисоботи бўйича ўтказилган коллегия мажлисида бу масалани чуқур муҳокама қилдик. Давлат интизомини мустаҳкамлаш, қўшиб ёзиш ва натижаларни бузиб кўрсатишга қарши курашни кучайтириш юзасидан тадбирлар белгиланди. Назорат қилувчи органларнинг фаолиятига танқидий баҳо берилди. Шаҳар ва районлар прокурорларига мазкур масалада назоратни кучайтириш юзасидан қўлланаётган усулларни янада такомиллаштириш вазифаси юкланди.

Дарҳақиқат таъкидлаганингиздек, табиат муҳофазаси тўғрисидаги қонунларнинг ижросини назорат қилиш ҳам фаолиятимизда катта ўрин олмоқда. Очиғини айтиш керак, бу соҳада ҳали кутилган натижаларга тўлиқ эришилаётгани йўқ. Чунки табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ҳаракатини маҳаллий ҳокимият қўллаб-қувватламаяпти. Улар зарур ускуналар, жиҳозлар, технология билан таъминланмаяпти. Масалан, Олмалиқ шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси зарур ускуналар ва атроф-муҳит ҳавосининг бузилишини назорат этишга хизмат қиладиган махсус реактивларга эга эмас. Айни вақтда бу шаҳарда ҳавони кўпроқ булғайдиган Олмалиқ кон-металлургия комбинати мавжуддир.

Умуман вилоят бўйича ҳавога чиқарилаётган зарарли чиқиндиларнинг ҳажми ҳам камаймаяпти. Аммо табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг бўлинмалари, санитария-эпидемиология станциялари бундай аҳволнинг олдини олишга таъсир кўрсатиш учун ўзида етарли куч ва қатъият тополмаяпти. Шунинг учун ҳам уларнинг бир қатор таклифлари қоғозда қолиб кетмоқда. Ўз қонуний ҳуқуқларидан фойдаланмаяптилар. Айбдорларни жазолаш устидан етарли иш олиб борилмаяпти. Атроф муҳитни ифлослантираётган, қонун бузилишига йўл қўйилаётган аҳвол юзасидан аниқланган барча ҳужжатлар ҳам тергов органларига топширилмаяпти.

Чирчиқ, Оҳангарон шаҳарлари ва бошқа бир қатор шаҳар ҳамда район ижроия қўмиталарининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмиталари экологик аҳволни яхшилаш устидан суст ҳаракат қилмоқдалар. Вилоят прокуратураси органлари 1991 йилнинг ўтган даврида табиат муҳофазаси тўғрисидаги қонунларнинг ижроси юзасидан 33 марта текширишлар ўтказди. Жойларда жуда кўп камчиликлар аниқланди. Бу шуни кўрсатдики, эндиликда атроф муҳит муссаффолигини сақлаш борасида ишга қатъийроқ киришиш керак.

Вилоят прокуратураси бу борада вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликни бошлаб юборди. Яқинда район, шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари иштирокида ўтказилган йиғилишда экология бўйича тадбирлар ишлаб чиқдик. Эндиликда бу қўмиталар билан биргаликда ана шу тадбирлар асосида иш олиб борамиз.

— Абдурашид ака, яқинда хизмат юзасидан бир корхонада бўлганимда шундай рақамга кўзим тушиб қолди: у ерда иш кунининг йўқотилишига асосий сабаб — ичкиликбозлик экан. Чамаси эски яра яна газак олаяпти, шекилли. Бундай фактларга бот-бот дуч келяпмиз.

— Ҳақиқатан ҳам ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш масаласи кун тартибида жиддий бўлиб турибди. Бу соҳада қабул қилинган фармоннинг бир-икки бор танқид қилинганлиги сабаб бўлдими, ҳар холда шаҳар ва район ижроия қўмиталари, корхона, хўжалик раҳбарлари бу масалага эътиборни сусайтириб юбордилар. Масалан, Олмалиқ шаҳар ижроия қўмитаси 1990 йилдаёқ бу иш билан шуғулланувчи комиссияни тугатиб қўяқолибди.

Ҳамма нарса натижа билан ўлчанмоғи керак. Айни пайтда ичкиликбозлик туфайли, маст ҳолда содир этилаётган жиноятлар кўпаймоқда. Хусусан, 1991 йилнинг 6 ойида кишилар томонидан маст ҳолда 607 жиноят содир этилди. Бу ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан икки фоиз кўп демакдир. Бошқача қилиб айтганда бу содир этилган жами жиноятларнинг 17 фоизини ташкил этади.

Хушёрхоналарга ҳам ичкилик ичиб жамоат тартибини бузган кишилар кўплаб келтирилмоқда. Ҳатто ишлаб чиқариш участкаларида спиртли ичимликлар истеъмол қилишга йўл қўйилаётганлиги ҳақидаги фактлар бор.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни давом эттириш керак. Лекин бу қуроаш илгаригидек кўр-кўрона, ёппасига, яъни дўппини ол деса, калласини олиш тариқасида эмас, аксинча, ақл-идрок, режа билан пухта давом эттирилиши лозим. Вилоят районларида, шаҳарлардаги бугунги аҳвол ана шуни тақозо этмоқда.

— Маълумки, жумҳурият Президенти томонидан сўнгги йилларда бир қатор хайрли фармонлар қабул қилинди. Афсуски, жойлардан олинаётган маълумотлар ана шу фармонларнинг ижроси етарли таъминланмаётганлигини, айрим ҳолларда ҳатто суиистеъмолликка йўл қўйилаётганлигини ҳам кўрсатмоқда. Шуниндек фуқаролар рўзномага аксарият ҳолларда ижтимоий адолат бузилаётганлигидан шикоят қилишмоқда. Сиз прокурор сифатида бу масалаларга қандай қарайсиз!

— Бу фармонларнинг ижросини таъмин этиш юзасидан вилоят прокуратураси зарур чора-тадбирларни кўрмоқда. Айниқса, жумҳурият Президентининг қишлоқ фуқароларининг томорқаларини кенгайтириш ва шахсий уй-жой қурилишини ривожлантиришга қаратилган фармони юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Бироқ фуқароларга қонуний ёрдам кўрсатиш ва йўл-йўриқлар бериш давомида айрим шаҳар ва район ижроия қўмиталари ҳамда хўжаликларнинг қатор суиистеъмолликларга ва нуқсонларга йўл қўйганликлари аниқланди. Улар юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

Фармон, қонун ижро учун чиқарилади. Шундай экан, уни орқага суришга, суиистеъмол қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл қўйилмайди ҳам. Прокуратура ер олиш ҳуқуқига қонуний эга бўлган кишини ҳамма вақт ҳимоя қилишга қодир.

Тақсимотдаги адолатсизликлар тўғрисида яхши эслатдингиз. Чунки жойларда талон баҳона, рўйхат баҳона ноёб молларни ажратишда қонун бузилишларга, адолатсизликка йўл қўйилаётганлиги сир эмас. Лекин менга бир нарса, айниқса, қаттиқ таъсир қилади. Шундай ҳам тақчиллик кучайиб турган, вазият оғир бир пайтда бундай адолатсизлик оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини наҳотки мутасаддилар, раҳбарлар тушуниб етишмаса. Биз бундай фактларга қарши қатъий курашяпмиз. Яқиндагина Янгиобод, Янгийўл шаҳарлари, Ғалаба, Чиноз ва бошқа бир қатор районларда ижтимоий адолат, тақсимотда қонун бузилишларига йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Бундай фактларга нисбатан прокуратура ўзининг жиддий баҳосини берди.

Ҳуқуқий давлат яратмоқчи эканмиз, ҳамма нарсани ўз ўрнига қўйишимиз шарт. Айниқса, ижтимоий адолатни тиклаш биринчи галдаги вазифамиздир.

Вилоят прокуратура органлари ўз ишини ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда ташкил этиб, иқтисодни соғломлаштириш, давлат, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий адолат принципларини қарор топтиришда барча имкониятларни ишга солади.

Суҳбатдош Ф. МУҲИДДИНОВ.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА КЕРАКМИ?

• *МУНОЗАРА УЧУН МАВЗУ* •

«ОҲАНГАРОН» совхозининг Холжўра Холтўраев бошлиқ бригадаси дала шийпонида «Оҳангарон» ноҳия рўзномаси ходимларининг муштарийлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Ишчи Муҳаббат Давлатова авваллари хўжаликда барча соҳалар учун социалистик мусобақалар уюштирилиши, вақтивақти билан илғорлар рағбатлантирилиб борилиши, ҳозир эса мусобақа фақат мавсумий ишларда ташкил этилаётгани ҳақида мулоҳазаларни билдирган эди.

Бу мавзуни ўрганишга ҳаракат қилдик. Бир ҳисобдан М. Давлатованинг гапида жон бор. Меҳнатни ташкил этишда биз рағбатларга ўрганиб қолдик. Мусобақа шакллари ишлаб чиқаришда ҳозир ҳам бор ва ҳар қандай муваффақиятни унга олиб бориб тақаймиз. Меҳнат беллашувини ташкил этишдан бирданига воз кечиб ҳам бўлмайди. Хўш, аслида хўжаликда мусобақа қай тарзда ташкил этилган? Шу савол билан совхоз касаба уюшмаси қўмитаси раиси Қаюм Иброҳимовга мурожаат қилдик.

— Асосан мавсумий ишлар учун мусобақа ташкил этганмиз,— дейди у.— Ғалла, сенаж ўрими, жун қирқимида ишни тез ва сифатли тугаллаш мақсадида. Натижа ёмон бўлаётгани йўқ. 13 минг атрофидаги қўйнинг жуни ўн иш кунида олинди. Режадаги 24,5 тонна ўрнига 27,5 тонна жун тайёрланди. Бунинг учун қирқимдагиларга минг сўм мукофот берилди.

Демак, Муҳаббат Давлатованинг гаплари тўғри бўлиб чиқяпти. Бу ерда адолат принциплари бузилаётган экан-да?

Бу саволимизга бош иқтисодчи Маҳмуд Холтўраев жавоб берди.

— Йўқ, ундай эмас, аввало хўжалигимизнинг ижара усулида ишлаётганига эътиборни қаратиш керак. Ҳар бир ижарачи билан шартномалар тузилди. Агар ижарачи жамоа ишини яхши ташкил этиб, иқтисодий тежамкорлик ва маҳсулот етиштиришни кўпайтириб, қанча кўп фойда олса, манфаатдорлиги ҳам шунча ортади. Четдан ишчи кучи жалб этилса ҳаражат ҳам ортиб, ижарачилар даромадига шерик кўпаяди. Бизда ташкил этилаётган мусобақалар асосан ижарага четдан жалб этилган кишилар ўртасидадир. Масалан, жун қирқимида мусобақа якунлари учун сарф этилган минг сўм пул йил охирида, албатта, қўйчилик ижара меҳнат жамоасидан ушлаб қолинади. Ғалла ўрими, сенаж йиғимида ҳам шундай.

— Чамаси сутчилик фермаларида ҳам мусобақа жорий этилган. Унга маблағ қаердан олиняпти?

— Буни мусобақа деса ҳам бўлади, демаса ҳам. Сабаби, меҳнат шундай ташкил этилганки, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, сутнинг ёғлилик даражаси ва сифатини яхшилашдан чорвадорлар моддий манфаатдор. Ҳар ким ишлаганига яраша ҳақ олади. Ҳаммаси бригада даромади ҳисобидан тўланади. Фермада ойига 70 сўм олиб ишлаётганлар ҳам, 350—400 сўм олиб ишлаётганлар ҳам бор. Бу ижара шартларидан, маҳсулотга ҳақ тўлаш принципларидан келиб чиққандир. Бошқача қилиб айтганда аслида далачилик жамоалари ҳам шу усул билан ишламоқдалар. Зарур ҳолатларда бригада кенгашлари келишиб, ўз маблағлари ҳисобига мусобақа уюштиришлари ҳам мумкин. Хўжаликда эса бу нарсаларга ортиқча маблағнинг ўзи йўқ. Ҳатто иш ҳақи, турли нафақаларни тўлашга ҳам баъзида маблағ тополмай қоламиз.

Бу мулоҳазалардан хўжаликнинг иқтисодий аҳволи ҳам анча мушкул эканлигини англаб олиш қийин эмас. Бозор иқтисоди муносабатларининг ҳаракатга келиши билан ҳамма жойда ҳам меҳнат жамоалари зиммасига талай оғирликлар тушаётгани сир эмас. Тўловлар кўпайиб, харажатлар ортиб кетди. Бозор иқтисоди бизга яна шу нарсани ўргатяптики, эндиликда ҳар бир жамоа ўз тадбиркорлигига, меҳнати ва ишбилармонлигига қараб бойиб боради. Албатта, бу борада ҳали муаммолар жуда кўп. Жумладан, айниқса деҳқончилик маҳсулотларига харид нархининг жуда паст белгиланганги, техника, ўғит баҳоларининг тўрт-беш баравар ошиб кетгани деҳқоннинг силласини қуритмоқда. Социалистик мусобақага келсак бу, бизнингча, эндиликда ортиқча нарсага ўхшаб қоляпти. Меҳнатга муносабатнинг янгича, бозор иқтисодига мос шаклларини ўрганишимиз, натижаси яхши бўлса амалиётга тезроқ тадбиқ этишимиз зарур.

Н. АБДУРАСУЛОВ, СССР журналистлар уюшмаси аъзоси.

• *Акс садо*

ДАСТУРХОНЧИГА МУҲТОЖМИЗ

«Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг 6 июль сонида чоп этилган «Яна дастурхончилар ҳақида» сарлавҳали мақолани ўқиб, «Катта боғ» маҳалламиздаги дастурхончилик вазифасини бажарувчи холани эсладим. Маҳаллада ҳеч бир тўй ёки маъракa у кишининг иштирокисиз, маслаҳатисиз ўтмасди. Тўйда ҳам, маъракада ҳам ҳамма нарсаларни саранжом-саришта қиларди. Қизиғи шундаки, холанинг асл исмларини кўпчилик билмасди. «Жонимни қоқай» дейилиши билан ана шу холамизни тушунар эдик. Сабаби — у киши катта-ю кичикка шундай деб мурожаат қилар эдилар.

Ёдимда, болалик пайтларимизда кўчада ўйнаётган бўлсак, узоқдан хола кўринсалар югуриб бориб, атроф-ларини ўраб олардик. Улар тугунларидан турли ширинликлар олиб, бизга улашардилар. Ширинликлар илинжида ҳар куни йўлларини пойлардик.

Холамиз оламдан ўтганларига ҳам анча вақт бўлди. Шундан сўнг уларнинг ишларини Ҳакима исмли бир кекса онахон давом эттирдилар. Энди у киши ҳам йўқ. Маҳалламиз дастурхончисиз қолди. Яқинда уйнимизда бўладиган тўй кунини ҳам қўшни маҳалладаги дастурхончи аёлнинг бўш вақтига қараб белгилашга мажбур бўлдик.

Мақола муаллифи керакли мавзуни кўтарган. Ҳақиқатан ҳам дастурхончилар зарур. Маҳалла қўмитаси хотин-қизлар кенгашлари ўзлари билган, синаган режали аёлларни ана шу вазифага сайласалар, дастурхончилар эса шогирдлар ҳам етиштирсалар айни муддао бўларди.

М. УРМОНБЕКОВА, Тошкент шаҳри.

Бир хўжалик қурилишлари

Тошкент районидаги Абдуллаев номли жамоа хўжалигида аҳолига қулайлик яратиш бўйича қатор ибратли ишлар қилиняпти. Яқинда хўжаликда янги ўйингоҳ қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ундаги волейбол, футбол майдончалари ўзига хос жиҳозланган. Ўйингоҳнинг қурилиши хўжаликдаги спорт ишқибозларни, спортчиларни анча хушнуд этди.

Хўжаликда янги новвойхона ҳам қурилиб ишга туширилди. Унда бир йўла 50 та нон ёпиладиган катта тандир ўрнатилган. Қўлиқўлига тегмай хизмат қилаётган новвойлар Зокир Ғуломов ва Зокир Рихсиевлардан аҳоли мамнун бўлаяпти.

Т. САФАРОВ.

ЖАҲОНДАН ХАБАРЛАР

ТИНЧЛИК КАБУТАРЛАРИ

● 46 йил муқаддам Хиросима ва Нагасаки узра минглаб кишилар ҳаётига зомин бўлган Америка ҳарбийлари томонидан ташланган атом бомбалари портлаган эди. 6 август куни Хиросима узра 1,5 мингдан знёд кабутарлар учирилди. Атом бомбалари қурбонлари хотирасига бағишланган кўпминг кишилик хотира йиғинида 55 минг нафар япониялик ўша машъум фожиада ҳалок бўлган ўзларининг ватандошларини эслаб, улар руҳига дуо қилдилар. Хиросима узра портлаган бомба натижасида юз минг нафар япониялик ҳалок бўлган эди.

Ж. БУШ ОҚ УЙНИ ТАШЛАБ КЕТМОҚЧИ ЭМАС

● АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Ж. Буш 1992 йилда ўтказиладиган навбатдаги президентлик сайловларида ўз номзодини қўйиш нияти борлигини яширмаётир. Совет Иттифоқига қилган сафаридан қайтиб келгач, АҚШ Президенти асосий ишлардан бири бўлган — сайловолди масалалари билан шуғулланишга киришди. Оқ уйда ўтказилган матбуот конференциясида бу масала асосий мавзу бўлди. Кэмп-Дэвид қароргоҳида ўтказилган тор доирадаги кенгашда ҳам сайловолди муаммолари кўриб чиқилди.

Оқ уй олдидаги Бинафша майдонда пайдо бўлган Ж. Буш журналистлар ҳузурида гапириб, навбатдаги сайловларда у ўзининг қонуний ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигини ва яна тўрт йил мобайнида президентлик курсисини эгаллашга жазм қилганлигини айтди. Бунга ҳеч нарса монелик қилолмайди, деди президент. Гап унинг саломатлиги хусусида борганда Ж. Буш тиббий нуқтаи назардан ҳеч қанақа тўсиқлар мавжуд эмаслигини айтди.

АҚШ Президентининг бу ниятлари ҳали ўзининг номзодини очиқ қўяётганлигини англатмайди. Аниқ гап кейинроқ айтилади. Журналистларнинг шу хусусдаги берган саволларига Ж. Буш бу масала балким январда, балким февралда, балким мартда маълум бўлар, деди.

Президент шундай дегани билан аслида сайловолди кампаниясининг бошланганлигини у очиқ-ойдин эътироф этди. Сайловга тайёргарлик давомида ўзига нисбатан «ҳужум» кучаяётганлигини тан олган Президент бундай услубни қоралади.

Кэмп-Дэвидда бўлиб ўтган учрашувда Президентнинг энг яқин маслаҳатчилари, шунингдек, вице-президент Д. Куэйл, Оқ уй ходимлари аппарати раҳбари Ж. Сунуну, молия вазири Н. Брейди ҳамда савдо вазири Р. Мосбакерлар иштирок этдилар.

Бу учрашув хусусида фикр билдирган матбуот Ж. Бушнинг келажакдаги сайлов кампаниясида Р. Мосбакер, омма фикрини сўраш бўйича мутахассис Р. Титер ҳамда Бушнинг энг яқин дўстларидан бири кордонон Ф. Малеклар асосий роль ўйнашлари мумкин, деб таъкидлади.

«МУЪЖИЗА» СОДИР БЎЛАДИМИ?

● БУТУН жаҳон жамоатчилиги ҳамда оммавий ахборот воситалари шарҳчилари Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш бўйича чақириладиган конференцияни «мўъжиза»га қиёс қилмоқдалар. Араб Мағриби бўйлаб сафар қилиб юрган АҚШ давлат котиби Ж. Бейкер шундай «мўъжиза содир бўлиши мумкин» деган фикрни билдирди.

Жазоир, Марокаш ҳамда Тунис раҳбарлари билан музокаралар олиб борган Ж. Бейкер конференцияни чақириш имконияти бирмунча аниқ бўлиб қолганлигини тан олди. Бироқ, деди у, бу йўлда ҳали анчамунча тер тўкмоқ зарур.

Фаластин вакилларининг конференцияда иштирок этиши масаласи ҳамон асосий муаммо бўлиб турибди. Исроил томони фаластинликлар конференцияда қатнашмасалар, биз у ерда ҳозир бўламиз, демоқдалар. Фаластин Озодлик Ташкилоти вакиллари эса ҳамон бир фикрга кела олмаётирлар. ФОТ раиси маслаҳатчиси Бассам Абу Шариф фаластинликлар ўзларининг иштирок этмасликларига рози бўлишлари мумкин, деган фикрни билдирди. Бироқ ФОТнинг расмий вакили, бироз кейинроқ, Абу Шариф ўзининг шахсий фикрини изҳор қилди, деб айтди.

Исроил Бош вазири Шамир исроилликлар босиб олинган ерлардан кетмайдилар, деб турибди. Сурия президенти Х. Асад эса Жўлан тепаликлари қайтарилмас экан, Фаластин муаммоси ҳал бўлмайди, деди.

Шундай қилиб, Яқин Шарққа тааллуқли тинчлик конференцияси истиқболи ҳамон туманлар орасидан нур сочаётган кучсиз юлдуз ҳолатини эслатмоқда.

ЯНГИЛИКЛАР ТЎЛҚИНИДА

● БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши Ироққа нисбатан эълон қилинган иқтисодий қамални бекор қилмаслик ҳақида қарор қабул қилди. Нью-Йоркда бўлиб ўтган учрашув чоғида унинг аъзолари Бағдод ҳамон 687-қарорни тўлиқ адо этмаётир, деган фикрни билдирдилар.

● ҲИНДИСТОННИНГ Тамилнад вилоятидаги Коимбатор шаҳри ҳудудида қурол-яроғлар ишлаб чиқарадиган маҳфий завод борлиги фош қилинди. Мазкур завод йил давомида ишлаб турган. У ерда тайёрланган қурол-яроғлар Шри-Ланкага жўнатилган.

● ЯПОНИЯДА чиқадиган «Иомиури» рўзномаси ҳукумат манбаларига таяниб, Япония молия вазири Р. Хасимотонинг истеъфога чиқишига доир хабарни эълон қилди. Ваҳоланки, Р. Хасимото яқин-яқинларгача Бош вазирликка номзод деб тилга олинаётган эди.



● ҲАМИША соғлом бўлиш ва узоқ умр кўриш деган киши доимий равишда енгил бадантарбия машқлари билан шуғулланиб туриши лозим, деб маслаҳат беради Америкада чиқадиган «Ю. С. Ньюс энд уорлд рипорт» ойномаси. Бу ойноманинг ёзишича, оғир спорт машқларига қараганда спортнинг енгил турлари инсон жисмига самаралироқ таъсир кўрсатади. СУРАТДА: ойноманинг муқоваси. Ундаги барча мақолалар саломатлик муаммоларига бағишланган.

ТАСС сурати.





ҚОВУН БОЗОРИДА.

Суратқаш В. ТУРАЕВ.

БУЛАР СИЗДАН МИННАТДОР

РАҲМАТ, СОНИЯ ОПА!

Кейинги пайтда ошқозоним тез-тез оғрийдиган бўлиб қолди. Аввалига парво қилмадим. Қарасам, оғриқ кучая бошлади. Дарҳол қишлоғимиз амбулаториясига бордим. Шифокор-терапевт Сония Исмагилова ошқозонимни обдон текширди. Сўнгра унчалик жиддий эмас, айтганларимни қилсангиз тез кунда ўтиб кетади, деб дори-дармонлар ёзиб берди. Бир неча кун парҳезда юришимни тайинлади. Ҳақиқатан ҳам шифокор айтганидек бўлди. Ошқозоним оғриғи тўхтади.

30 йилдан бери Киров қишлоқ шифокорлик амбулаториясида ишлаб келаётган С. Исмагилова қабулига кирган ҳар бир беморга диққат билан қарайди, хушмуомалада бўлади. Инсон саломатлигини ҳамма нарсадан устун қўювчи бу аёл аҳоли ўртасида юқумли касалликлардан сақланиш ҳақида ҳам суҳбатлар ўтказиб туради.

Рўзнома орқали қишлоқ аҳолиси номидан Сония Исмагиловага миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Тузалбек ДУСОНОВ,
Тошкент райони,
Ленинград совхози.

ДАРДИМГА ДАРМОН БЎЛИШДИ

Азизларим! Мен кўп болали оналарданман. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп кўрдим. Фарзандларимни оёққа қўйиб, уларнинг роҳатидан баҳраманд бўламан, деганимда бошим ёстиққа етиб қолди. Ҳайрият дилкаш, мурувватли, ҳалол дўхтирлар ҳам бор. Тошкентнинг Фрунзе районидаги 19-поликлиника шифокори Фаридахон Усмонова ана шундайлардан бири экан. У билан бирга ишлайдиган Юлдузхон Усмонова, Қамбар Азимовалар ҳам жонимга оро киришди. Дарддан ҳалос бўлдим. Барака топишсин. Шу яхши одамлари газетда чиқариб беришларингизни илтимос қиламан. Муносиб хизматларини эл билсин. Улардан миннатдорман.

Ф. ҚОДИРОВА,
Тошкент шаҳри, кўп болали она.

ДОРИЛФУНУНДА ЯНГИ БЎЛИМ

Бугун атроф-муҳитнинг соғлиги учун кураш жиддий ижтимоий масалалардан бири бўлиб қолди. Шунга кўра бу муаммони илмий-амалий жиҳатдан атрофлича ҳал этиш юзасидан муҳим тадбирлар кўрилмоқда. Шу мақсадда Тошкент Давлат дорилфунунида амалий экология ва табиатдан самарали фойдаланиш бўлимининг тузилиши айни муддао бўлди.

Бўлим нуфузли илмий марказ сифатида дастлабки кузатув ва амалий ишларни бажариб, шулар асосида фойдали тавсияномалар тайёрлади. Олмалиқ-Ангрен воҳаси бўйича тузилган комплекс режа ҳам бўлим мутахассисларининг ютуғи бўлди. Тавсия этилган ҳужжатларда қурилишлар олиб борилиш масалалари ҳам ўз ифодасини топган.

С. ОДИЛОВА.

ЎТАР БУ ДАЙРИ ФОНИЙДИН

Ҳурматли муштарийлар!

Биз аввалги чиқишимизда Зебуннисо ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилган эдик. Бугун эса келаси йили таваллудига 200 йил тўладиган ажойиб шоира, маърифатпарвар ўзбек аёли Нодирабегим ҳақида, унинг форс тилидаги ижоди ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Маълумки, Нодирабегим — ИШҚ ШЕВАСИНИ ОШКОРА КУЙЛАГАН шоира. У ўзининг бу эътиқодига форс тилида битган ғазалларида ҳам содиқ қолади.

Қалбнинг нозик туйғуси — муҳаббат ҳақида ошкора ғазал битиш XIX асрда ўзбек аёли учун ўлим билан баробар эди. Лекин Нодира ўзининг ҳур фикрларидан чекинмади, ўз дунёқараши билан Увайсий, Дилшод, Анбар отин каби истеъдод соҳибаларига ўрнак бўла олди. Фурқат, Муқимий, Нодим каби илғор фикрли қаламкашларга Нодира сиймоси, юксак даражадаги қалб туғёни ҳосилалари бўлмиш ижодиёти илҳом бағишлади.

НОДИРАБЕГИМ форс—тожик тилларидаги ғазалларига Макнуна деб тахаллус қўйди. Ҳа, у форсий ғазалларида фақат тахаллусни ўзгартирди, холос. Аммо дунёқарашини, эътиқодини, оташин ғояларини заррача ҳам ўзгартиргани йўқ: «Би ту месўзад...», «Айш кўн...», «Эй гашта даври...», «Дўстон, гўед...» деб бошланувчи қатор ғазаллари фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

Нодирабегим назмиётида шундай бир байт мавжуд:

«Хушо оқилки,
айлаб яхшилиғ
бунёдини маҳкам,
Ўтар бу дайри
фонийдин ўзини
некном айлаб...»

Ушбу байтни Нодирабегимнинг ўзига нисбатан қўллагим келади. Негаки унинг бой ижодий мероси, ибратли ҳаёти Нодирабегим «бу дайри фоний» яъни ўткинчи дунёда ўзидан некном (яхши ном) қолдира олганлигига гувоҳномадир.

Қуйида Нодирабегим — Макнунанинг форсча ғазалларидан иккитасини таржима қилиб, эътиборингизга ҳавола этамиз.

ҒАЗАЛЛАР

Эй дил, санамлар ишқиға толиби вафо бўлғайсен,
Аҳли вафолар ичра сен ҳамиша гадо бўлғайсен.

Бедардлар шевасидин бегона ўлтурмоқ яхшидир,
Дарди бор ҳар бир кўнгулга мудом ошно бўлғайсен.

Муҳаббат йўлида жондин жудоларни кўрай дерсан:
Шаҳидлар ҳоки тавфиға сўн Карбало бўлғайсен.

Икки дунё салотини тилар бўлсанг умрбод гар
Парнюзлар кўйинда бир ошиқи гадо бўлғайсен.

Ҳамма ерда ғурур аҳлин суҳбатидин йироғ юрғил,
Ўтир камтар кишилар-ла, ўздин ҳам фано бўлғайсен...

Муҳаббат гулшанин яшноқ гули эргай вафо шаксиз,
Ҳар йўсинда сен, Макнуна, вафода баҳо бўлғайсен.

Соқиё, қадаҳ тўлдир, мавсуми баҳор келди,
Гул барги насимида бўйи васли ёр келди.

Гул очиб кулиб гулшан, ёқиб лоладан гулхан,
Гулистон сайли билан майга ихтиёр келди.

Май кайфидан этиб ноз, гулдан тўшаб пояндоз,
Лоларанг кўйлакда боз сарви гулузор келди.

Ишқ баҳрига ғарқ бўлдим, савдосига тутилдим,
Таманносини кўрдим соҳилга такрор келди.

Муштоқларин кўзидан йироқ бўлди жамоли,
Шу лаҳзада шабнамлар кўздан шашқатор келди.

Сенсиз, эй гули раъно, кеча чаманга бордим,
Сарв-беҳол, кўзимга, гул—тикондек хор келди.

Жавлонин орзусида йиғлағайман, не ажаб,
Гўдакдек кипригимга ёшим найсавор келди.

Шаъм каби Макнуна қийналар бўлиб шайдо,
Ҳар кимса арзига бу дамда эътибор келди.

Форсийдан Дилмурод САИДОВ таржимаси.

ЎЗБЕК ПОЛИМЕРЛАРИ

● ТОШКЕНТ. Кучли кимё саноати мавжудлигига қарамай полимерларнинг бўлмаслиги кулол мўндида сув ичганлиги билан баробардир. Ўзбекистон олимлари илмий-техникавий бўлим ташкил этиб, бундай аҳволни ўнглаб олдилар. Бўлим мутахассислари олдиларига қўйилган вазифани бажардилар. Улар полимерлар ва композитлар ишлаб чиқаришга имкон берадиган хилма-хил қўшимчаларни топишди. Зарур маҳсулотни тайёрлаш технологияси ҳам ишлаб чиқилди. Хуллас, Ўзбекистонда полимер саноатини вужудга келтириш учун шарт-шароит яратилди. Ўзбекистон Фанлар академияси полимерлар кимёси ва физикаси илмгоҳи ҳузурида кичик корхона барпо этилди. У полимерларни саноат асосида ишлаб чиқаради.

ТАСС.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

12 АВГУСТДАН БОШЛАБ

ХИТОЙ ЦИРКИНИНГ СССР БЎЙЛАБ САФАРИ

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ

ҚАТТА РАНГ-БАРАНГ ДАСТУР

ТОМОШАЛАР 12, 13, 14 августда соат 19.00 да;
15, 16 августда соат 19.30 да;
17 августда соат 16, 19.00 да;
18 августда соат 15, 18.00 да БОШЛАНАДИ.

Олдиндан билетлар сотиш кассаси очиқ.
Қишлоқ жойларда яшовчи томошабинлар ва болалар муассасаларининг буюртмаларига навбатсиз хизмат кўрсатилади.

Касса ҳар куни соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.
Маълумотлар учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ КОЛЛЕЖИ

1991—1992 ўқув йилига

ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАРНИ

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

«Тижорат фаолиятини ташкил қилиш» — МЕНЕДЖЕРЛИК мутахассислигига ҳужжатлар топшириш 15 августгача давом этади. Кириш имтиҳонлари 20 августгача бўлиб ўтади.

Ўқувчилар сафига қабул 25 августгача ўтказилади.

СИРТҚИ БЎЛИМГА:

Бино ва иншоотларни қуриш ва фойдаланиш, темирбетон конструкциялари ва қурилиш буюмларини ишлаб чиқариш, ички санитария-техника ва шамоллатиш ускуналарини жойига қўйиш ва техник хизмат кўрсатиш мутахассисликларига ҳужжат топшириш 15 августгача давом этади. Кириш имтиҳонлари 20 августгача бўлиб ўтади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжат, 086/У намунадаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, маъмурият томонидан тасдиқланган меҳнат (колхозчи) дафтарчасидан кўчирма (амалий иш стажига эга бўлганлар ҳамда сиртқи бўлимга кирувчилар учун).

Паспорт, ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжатлар қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Бу ҳақда уларнинг шахсий ҳужжатига тегишли изоҳлар ёзиб қўйилади.

Бошқа шаҳарлардан келиб кундузги бўлимга кираётганлар имкони борича ётоқхона билан таъминланадилар.

Стипендия умумий қоидага мувофиқ берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй. Қабул комиссияси.

Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси

16-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ҚИЗЛАРНИ
1991—1992 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Сиз 10 ой, 2 йил ва 3 йил мобайнида тўқувчилик, ип йигирувчилик, калаваловчилик ва пиликловчилик мутахассислиги бўйича касб эгаси бўлишингиз мумкин. Ўқишга қабул қилинганларга ҳар ойда билим юрти томонидан 80 сўм (аъло баҳода ўқиётганлар 100 сўмгача) ва корхона томонидан 40 сўм миқдорида стипендия тўланади. Ўқувчиларнинг амалий дарслари вақтидаги иши ишбай ҳисобланади ва 100 фоиз миқдорида маош тўланади, ёки 250—300 сўм атрофида бўлади. 9-синфни битириб келган ўқувчилар давлат қарамоғида бўлиб, кийим-бош ва ҳар куни 3 маҳал бепул овқат билан таъминланадилар. Билим юрти ота-онасидан маҳрум бўлган болаларга қўшимча имтиёзлар беради ва ўз қарамоғига олади.

Жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларидан келган ўқувчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ва Тошкент шаҳрида турар-жой рўйхатидан ўтказиладилар.

Ўқувчиларга ўқиш даврида енгил кўйлакларни бичиш ва тикиш мукаммал ўргатилади. Гувоҳнома билим юртини битирганлиги тўғрисидаги дипломга қўшиб берилади. Билим юртида ҳар хил тўгараклар ишлаб турибди.

Билим юрти Тошкент шаҳри ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси учун ишчилар тайёрлаб бериши сабабли ўқувчиларга шу корхонадаги ишчиларга яратилган ҳамма имтиёзлардан, спорт комплексидан, маданият саройидан, дам олиш масканларидан фойдаланиш имконияти яратилади.

Режаларни оқиғи билан бажараётган ишчиларнинг ойлиги 700—1000 сўмгача бўлиши мумкин.

1991 йилдан бошлаб корхона билим юртини аъло баҳолар билан битирган, амалий дарслар даврида юқори самарадорлик кўрсатган ўқувчиларга Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳига корхона ҳисобидан ўқишга йўлланма бера бошлади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: раҳбар номига ариза, 3×4 см катталикда фотосурат, паспорт, меҳнат дафтарчаси, талабаларнинг соғлиги корхона тиббиёт бўлимида текширилади.

Маълумотлар олиш учун телефон: 55-44-85.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Фрунзе ноҳияси, А. Қодирий кўчаси, 34-уй. (2, 80, 97, 57-автобусларнинг «А. Қодирий кўчаси» бекати; 14-троллейбуснинг «П. Полторацкий кўчаси» бекати.

• Футбол. Вилоят биринчилиги

ДОВОННИНГ ЯРМИ ЎТИЛДИ

Вилоят касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамияти томонидан ўтказилаётган футбол мусобақаларининг ҳар иккала гуруҳида биринчи давра ўйинлари ниҳоясига етди. Жадвалга назар ташласак, айрим командалар белгиланганда кам учрашув ўтказганлигининг гувоҳи бўламиз. Лекин кечиктирилган ушбу учрашувлар командалар эгаллаб турган мавқеига унчалик таъсир этмайди.

«А» гуруҳида карвонбошилар сафида Тўй-тепанинг «Металлист», Калинин районининг «Ўзгариш», Ғалабанинг «Шоликор», Тошкент районининг «Шифокор» командалари боришмоқда.

«Металлист» командаси аъзолари деярли маҳаллий ёшлардан ташкил топган. Команданинг барча чизиғи бир текис, унда, футбол тили билан айтганда, «юлдуз» ўйинчи йўқ. Лекин жамоа биринчи даврада ўз майдонида тўққиз ўйин ўтказиб, бор йўғи бешта учрашувни сафарда ўтказган. Бу ҳол иккинчи даврада команда мавқеига таъсир қилиши мумкин, чунки рақиблар майдонида очко жамғариш бирмунча қийин бўлади.

Калининнинг «Ўзгариш» командаси сафида тажрибали, футбол мактабини ўтаган ўйинчилар бор. Агар команда мавсум бошида ўз имкониятига ортиқча баҳо бериб «Коммунизм» ҳамда «Ленин йўли» жамоаларидан мағлубиятга учрамаганда шак-шубҳасиз биринчи поғонани эгаллаб турган бўлар эди.

Собиқ пахтакорчи Ислом Аҳмедов мураббийлик қилаётган «Шоликор» командаси ҳам бир текис ўйин кўрсата олмаяпти. Тўрт ака-ука Аҳмедовлар ва собиқ пахтакорчи Анвар Рашидов билан бирга ҳали тажрибаси кам, лекин истеъдодли ёш футболчиларнинг майдондаги уйғунлашуви бирмунча қийин бўлмоқда. Бироқ ҳозирданоқ бу командининг порлоқ келажаги кўзга ташланмоқда.

Совриндорлар сафига «Шифокор», «Уяли» ва «Сўғдиёна» жамоалари қўшилиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо пискентликлар ўз ўйингоҳида тартиб ўрнатиб олишмаса вилоят футбол федерацияси тартибинтизом комиссияси команданди ўз майдонида учрашув ўтказиш ҳуқуқидан маҳрум қилиши мумкин. Жумладан, уларнинг «Металлист» билан ўйинини ҳолис майдонда, яъни Алимкент шаҳрида ўтказишга қарор қилинди.

Бу гуруҳда қолоқ командалар аниқ бўлиб қолди. Бўканинг «Кўкорол», Оққўрғоннинг «Коммунизм» ҳамда Ҳамид Олимжон номли командалари ўз имкониятларидан паст қатнашмоқдалар.

«Б» гуруҳида Ангрен шаҳрининг «Торпедо», Келеснинг «Кўхна шаҳар», Оҳангарон районининг «Қорахитой» ва «Умид» командалари ўз мақсадлари томон илдам қадам ташлашмоқда. Ангренликлар сафида асосий негизни тажрибали ўйинчилар ташкил қилади. Ажойиб спорт базасига эга бўлган транспорт ҳодимлари командаси ўйиндан-ўйинга ўз мавқеларини мустаҳкамлаб бормоқда. «Кўхна шаҳар» жамоаси сўнгги ўйинларни кўтаринки руҳда ўтказиб, қатор ғалабаларни қўлга киритди ва асосий даъвогарлардан бири бўлиб турибди. «Қорахитой», «Умид», «Далварзин» ҳамда «Паррандачилик фабрикаси» командалари ҳам финал олтилигига даъвогарлик қилишмоқда. Бу гуруҳда ҳам имконияти даражасида қатнашмаётган командалар бор. Бўканинг «Ҳамза», Калининнинг «Москва», Тошкент районининг Навоий номли ва Оҳангароннинг «Ёшлик» командалари бўш қатнашишмоқда.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, кўпчилик командаларда тартиб-интизом талабга жавоб бермайди. Ўйингоҳлар мусобақага кўнгилдагидек тайёрланмади. Футбол халқнинг севимли ўйини бўлса ҳам вилоятда спортнинг бу турига қизиқиш сўниб бормоқда. Ўйингоҳларда футболни тарғибот қилиш ишлари ёмон аҳволда. Ҳатто оддийгина ҳисоб ўзгариб турадиган тахталар ҳам йўқ. Учрашувурди каби саволларга мухлислар жавоб топа олмайдилар. Ўйлаймизки, команда ҳомийлари, ўйингоҳ маъмурияти, ташкилот раҳбарлари касаба уюшмалари кўмагида юқорида айтиб ўтилган камчиликларни бартараф этишади. Бу эса ўз навбатида вилоятимизда футбол мусобақаларини кўнгилдагидек ўтказишга ҳисса қўшади. Бунинг учун эса барча мутасадди ташкилотлар ҳамжиҳат ҳаракат қилишлари зарур.

Т. ОМИЛОВ,
вилоят футбол федерацияси раиси муовини.

МУСОБАҚА ЖАДВАЛИ — «А» ГУРУҲИ

	У	Ю	Д	М	Т	О
1. «Металлист» (Тўй-тепа)	13	10	2	1	40—15	22
2. «Ўзгариш» (Калинин)	14	9	1	4	42—24	19
3. «Шоликор» (Ғалаба)	12	9	1	2	37—11	19
4. «Шифокор» (Келес)	12	6	4	2	23—17	16
5. «Ленин йўли» (Коммунистик)	12	6	3	3	38—27	15
6. «Сўғдиёна» (Пискент)	11	7	1	3	33—26	15
7. «Уяли» (Ғалаба)	11	7	0	4	28—25	14
8. «Оқ олтин» (Чиноз)	13	5	4	4	32—27	12
9. «СоюзНИХИ» (Оржоникидзе)	13	4	4	5	22—25	12
10. «Наврўз» (Паркент)	11	5	0	6	19—38	10
11. «Трикотажник» (Оққўрғон)	13	3	4	6	19—26	10
12. Мавлонов номли (Бекобод райони)	12	2	3	7	19—23	7
13. Ҳамид Олимжон номли (Оққўрғон)	13	2	3	8	18—36	7
14. «Коммунизм» (Оққўрғон)	10	1	1	8	13—32	3
15. «Кўкорол» (Бўка)	14	0	1	13	14—51	1

«Б» ГУРУҲИ

	У	Ю	Д	М	Т	О
1. «Торпедо» (Ангрен)	13	9	3	1	41—42	21
2. «Кўҳна шаҳар» (Келес)	13	9	1	3	39—17	19
3. «Қорахитой» (Оҳангарон)	13	8	2	3	47—16	18
4. «Умид» (Оҳангарон)	13	8	2	3	31—16	18
5. «Далварзин» (Бекобод)	13	7	2	4	33—21	16
6. «Паррандачилик фабрикаси» (Янгийўл)	12	7	2	3	31—20	16
7. «Технолог» (Тошкент)	11	6	2	3	23—11	14
8. «Арта» (Ўрта Чирчиқ)	13	6	1	6	27—27	13
9. Навоий номли (Янгийўл)	12	5	3	4	28—22	13
10. «Дзержинец» (Бекобод)	11	4	1	6	24—33	9
11. «Ёшлик» (Оҳангарон)	12	3	0	9	18—44	6
12. Навоий номли (Тошкент)	11	2	1	8	17—50	5
13. «Москва» (Калинин)	13	2	0	11	14—46	4
14. «Ҳамза» (Бўка)	12	1	0	11	13—52	2

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: мафкура — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти — 325733; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Индекс: 64672. Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Буюртма № 5814. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.00.